



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

2014 yil "25" 12

№ 447

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида

Аҳоли саломатлиги бўйича демографик статистикани тўғри шакллантириш, аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондиришни тўғри режалаштириш, тиббий ресурслардан самарали фойдаланиш, жамият саломатлиги кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган сиёсий, иқтисодий, тиббий-ижтимоий, ташкилий тадбирларни ишлаб чиқишда тиббий статистик маълумот (ҳисобот)ларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш борасида соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи тиббий ҳисоб ҳужжатларини талаб даражасида юритиш ва уларни ягона шаклга келтириш мақсадида, **буюраман:**

Қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари 1–иловага;
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини расмийлаштириш бўйича йўриқнома 2 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Вазирлик тизимидаги ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар, Республика тасарруфидаги даволаш-профилактика ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда Республика Давлат Санитария-Эпидемиология Назорати Маркази раҳбарларига:

005223

тиббий ҳисоб ҳужжатларни мазкур буйруқ иловаси асосида 2018 йил январь ойидан бошлаб юритилиши маълумот ва ижро учун қабул қилиниши;

мазкур буйруқ билан тасдиқланмаган тиббий ҳисоб ҳужжатлардан фойдаланиш ҳамда ҳужжатларнинг рўйхати ва шаклларига ўзгартиришлар киритишни қатъиян ман этилиши;

тиббий ҳисоб ҳужжатларни ўрнатилган тартибда юритиш, ҳисоботларни ўз вақтида, ҳаққонийлигини таъминлаган ҳолда тақдим этиш вазифаси юклатилсин ва назоратга олинсин.

4. Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти (З.Д.Муталова), Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси (Ф.Р.Шарипов), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси (М.Ф. Садиқов) ва Республика Давлат Санитария-Эпидемиология Назорати Маркази (Д.С.Мирзабаев) раҳбарларига:

вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган барча даволаш-профилактика муассасаларида мазкур буйруқ билан тасдиқланган тиббий ҳисоб ҳужжатларни юритиш, ҳисобот шакллари тўлдириш ва тақдим этиш бўйича семинарлар ўтказилсин.

5. Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш бош бошқармаси (М.М. Мирталипов) ва Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти (З.Д.Муталова) раҳбарлари:

икки ой муддатда раҳбариятга даволаш-профилактика муассасаларини тиббий ҳисоб ҳужжатлар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағ ажратилиши бўйича тегишли таклифлар киритсин.

6. Ушбу буйруқ чиқарилиши муносабати билан 3-иловада келтирилган буйруқлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Қ. Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил “25” декабрдаги
777 сон буйруғига 3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
ўз кучини йўқотган буйруқлари
РЎЙХАТИ**

1. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 14 октябрдаги 302-сонли “ДПМ ларида бюджет маблағига сотиб олинган дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тўғрисида” буйруғи;
2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 25 декабрдаги 30-8/1596-сонли “Даволаш-профилактика муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинадиган дори воситалари ва тиббиётга оид маҳсулотларни тарқатиш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш” кўрсатма хат;
3. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 19 сентябрдаги 279-сонли “Тез тиббий ёрдам хизмати бўйича ҳисобга олиш-ҳисобот хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи;
4. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 27 майдаги 219-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 7 мартдаги 78-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида” буйруғи;
5. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 13 февралдаги 60-сонли “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган тиббий хужжатларни мувофиқлаштириш тўғрисида” буйруғи;
6. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2006 йил 26 июндаги 287-сонли “Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида қўлланиладиган тиббий ҳисоб хужжатларини тасдиқлаш ҳақида” буйруғи.